


ISSN 2010-720X



BILIMLENDIRIW, ILIM HA'M



INNOVACIYA MA'SELELERI

ILIM HA'M JAMMIYET JURNALI'NA QOSIMSHALAR

ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ХАЛЫҚ БИЛИМЛЕНДИРИЎ МИНИСТРЛИГИ
ЭЖИНИЯЗ АТЫНДАҒЫ НӨКИС МӘМЛЕКЕТЛИК ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ИНСТИТУТЫ

БИЛИМЛЕНДИРИЎ, ИЛИМ ХӘМ ИННОВАЦИЯ МӘСЕЛЭЛЕРИ
ИЛИМИЙ МАҚАЛАЛАР ТОПЛАМЫ

I КИТАП

(«Илим хәм жәмийет» журналының 2015-жыл №1 санына қосымша)

Топлам «Илим хәм жәмийет»
журналына қосымшалар»
сериясында 2015-жылдан
шығарыла баслады

Билимлендириў, илим хәм
инновация мәселелери

1/2015

ӨзРХБМ

«Илим хәм жәмийет» журналы
НМПИ баспасы

Бас редактор:

Алламбергенов Кеңесбай – филология
илимлериниң докторы, профессор

Редколлегия ағзалары:

Абдиназимов Шамшетдин – филология
илимлериниң докторы, профессор
Алеуов Өсербай - педагогика илимлериниң
докторы, профессор
Базарбаев Жуманазар - философия
илимлериниң докторы, ӨЗРИА академиги
Клычева Зульфия – психология
илимлериниң кандидаты, доцент
Қудайбергенов Мәмбет - филология
илимлериниң докторы, профессор
Қурамбаев Кәримбай- филология
илимлериниң докторы, профессор
Матчанов Сафо - педагогика илимлериниң
докторы, профессор
Пазылов Арзы - педагогика илимлериниң
кандидаты, доцент
Пахратдинов Әбдисайыт - филология
илимлериниң докторы, профессор
Сейтжанова Улбосын - педагогика
илимлериниң кандидаты, доцент

Жууаплы редактор: ф.и.к. Б.Қурбанбаспа
Коррестураны қарап шығосан: А.Қосбергенова
Оператор линиянен: Н.Нысанбаев

Тех.редактор: З.Ходжессена
Компьютерде баспаға таярлаган: Н.Алламуратова

Қарақалпақстан Республикасы Баспа
сөз хәм хабар агентлиги тәрепинен
дизимге алынып, 2007-жыл 14-
февральда 01-043-санлы гүуалық
берилген.

Өзбекистан Республикасы Жоқары Аттестация
Комиссиясы коллегиясының 2013-жыл 30-
декабрьдеги 201/3-санлы қарары менен филология
(қарақалпақ тили, қарақалпақ әдебияты),
педагогика хәм психология пәнлери бойынша
илим докторы илимий дәрежесин алыў ушын
мақалалар жәрилланыўы тийис болған илимий
журналлар дизимине киргизилген.

Нөкис - 2015

**МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА АХБОРОТ
ТАЪЛИМИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**Ж.О.Балтабаев - Мехнат таълими кафедраси ўқитувчиси
Т.Шамуратова - Мехнат таълими кафедраси ўқитувчиси
Э.Ҳайтбоев - Мехнат таълими мутахассислиги 3-курс талабаси**



Таянч сўзлар: инновацион педагогик технологиялар, ахборот, ахборот ресурси, таълим технологияси, ўқитувчи-технолог, ахборот таълими воситалари.

Ключевые слова: инновационно-педагогические технологии, информация, информационные ресурсы, технология обучения, преподаватель-технолог, средства информационного обучения.

Key words: innovation-pedagogical technologies, information, information resource, technology of training, teacher-technologist, means of information training.

Келажаги буюк давлатни куриш – тафаккури, дунёкараши юксак, комил инсонларга, етук мутахассисларга кўп жихатдан боғлиқдир. Шу боис янгича фикрлайдиган, юкори малакали, чуқур билимли мутахассисларни тайёрлаш давр талаби бўлиб колди. Келажак авлодни баркамол инсон этиб вояга етказиш, таълим ва тарбия бериш ота-оналар билан биргаликда мактаб ўқитувчиларига ҳам катта масъулият юклайди.

“Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак” [1] – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Таъкидланган мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг аниқ моделлари яратилмоқда. Унинг назарий асослари илмий-амалий кўрсатиб берилмоқда. Илмий-амалий юксалиш ўқув жараёнларига замонавий технологияларни қўллаш билан чамбарчас боғлангандир.

Ҳаммамизга аёнки, фан ва техника таракқиёти саноат, кишлок хўжалиги, тиббиёт ва шунингдек, таълим соҳасига ҳам янги-янги технологияларни жорий этишни такозо этмоқда.

Шу боисдан “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да ўқув-тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурлиги уқтирилади, унинг узвий боғланган босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилганлигини айтиш даркор [2].

Бугунги кунда инновацион педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш зарурати шунинг учун асосий муаммо бўлиб колмоқдаки, анъанавий ўқитиш тизимлари ўз фаоллигини бир оз йўқотди, анъанавий усуллар ёрдамида ўқитиш яхши натижа бермай колди. Бунинг ўрнига “Ахборотли ўқитиш” таълим-тарбия жараёнига кўпрок самара бермоқда.

Ахборот – жамият, барча инсон ҳаёти ва фаолиятида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳажми тез ўсмоқда. Ахборотлардан фойдаланиш характери жуда тез ўзгармоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ахборот турли бўлганлигига қарамай, у учта муҳим сифатга эга бўлиши керак:

1. Тўлиқлик, яъни ўрганилаётган объект ёки ходисани тўлиқ ифодалаши керак.
2. Бебаҳолик, яъни унинг талабгорлиги, акс холда ахборот талаб қилинмайди.
3. Ишончлилик, яъни ахборот шубҳа туғдирмаслиги ва бошқатдан қайта ишланмаслиги керак.

Ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлар аҳамияти сўнгги йилларда шунчалик муҳим бўлдики, ахборот ресурслари деган янги термин пайдо бўлди.

Замонавий ахборот ресурслари бу илмий назариялар, янгиликлар, патент ва ихтиролар, иктисодий-математик моделлар, машина ва технологик жараёнлар лойиҳалари, ер ва сув бойликлари ҳақидаги маълумотлардир. Бу мамлакат бойлиги замонавий давлатнинг интеллектуал қудратини билдиради [7].

Шунингдек, фан ва техниканинг жуда тез ривожланиши натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги ўқув жараёнига технологик ёндашиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Бундай заруриятлар умумтаълим мактабларида меҳнат таълими фанидан ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда ўқитувчиларга дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида таълим технологиялари ва воситаларидан самарали фойдаланишини тақозо қилмоқда. Ўқитувчи фаолияти қанчалик фаоллашса, таълим олувчиларнинг хатти-харакатлари қанчалик ижодий, қизиқарли, истикболли ташкил эта олинса, албатта, қўлланилаётган таълим технологияларининг самарадорлиги ортади, лойиҳалаштирилган ўқув мақсадлари осонроқ амалга ошади, кутилаётган натижага тезроқ эришилади [3].

Бу фикрлардан келиб чиқиб, меҳнат таълимида қуйидаги муаммоларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- Инновацион таълим технологияси тизимида меҳнат ўқитувчисининг ўрни ва вазифалари аниқ белгиланиши зарур;
- меҳнат ўқитувчиси таълим жараёнини технологиялаштирувчи, ўқув мақсадларининг лойиҳачиси ва уни амалга оширувчи бўлиши керак;
- меҳнат ўқитувчиси – “ўқитувчи-технолог”, “педагог-технолог” даражасига кўтарилиши керак;
- “ўқитувчи-технолог” замонавий технологияларни таълим жараёнига қўллаш кўникмаларига эга бўлиши керак;
- “ўқитувчи-технолог” нинг педагогик жамоа ўртасидаги нуфузи, интеллектуал салоҳиятининг орттирилиши, маънавий, моддий манфаатдорлигининг таъминланиши бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилган бўлиши зарур [4].

Умумтаълим мактабларида меҳнат таълими жараёнида инновацион технологияларни жорий этишда ахборот таълим воситаларидан фойдаланиш жуда катта аҳамият касб этади. Меҳнат таълими дарсларини ташкил этиш жараёнида ахборот таълими воситаларидан фойдаланиш бошқа фан соҳаларига нисбатан ўзига хос афзалликларига эга. Шуларни инобатга олган ҳолда айнан меҳнат таълимидаги зарур “ахборот таълим воситалари” ни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Матнли ахборот воситалар.
2. Тасвирли ахборот воситалар.
3. Аудиовизуал ахборот воситалар.
4. Ёрдамчи ахборот воситалар.
5. Ҳақиқий ахборот воситалар.
6. Моделли ахборот воситалар.

I. Меҳнат таълимида ўқитувчи матнли ахборот воситаларини лойиҳалаштириши ва улардан фойдаланиши мумкин.

Маълумот олиш ва маълумотларни қайта ишлаш учун:

- Ўқув дастурлари;
- махсус адабиёт (дарслик);
- маъруза матнлари;
- тарқатма материаллар;
- имтихон ва назорат варақалари;
- газета ва журнал материаллари.

II. Меҳнат таълимида ўқитувчи тасвирли ахборот воситаларини лойиҳалаштириши ҳамда улардан фойдаланиши мумкин.

Умумий тасаввурни вужудга келтириш учун:

- Фото суратлар;
- эскиз, чизма, схемалар;
- технологик хариталар;
- тасвирлар, жадваллар, символлар;
- плакатлар [3].

III. Мехнат таълимида ўқитувчи аудиовизуал ахборот воситаларини лойиҳалаштириши ҳамда улардан фойдаланиши мумкин.

Жараёнлар ва ишлаш механизмлари тўғрисида тасвир ва овоз орқали тасаввурни вужудга келтириш учун:

- Видеофильмлар;
- компакт дисклар;
- видеокасеталар;
- Power Point дастури материаллари;
- электрон дарсликлар.

IV. Мехнат таълимида ўқитувчи ёрдамчи (жисхозли) ахборот воситаларини лойиҳалаштириши ва улардан фойдаланиши мумкин.

Тасвир ва матнли ёзиш ва саклаш учун:

- Доскалар (бўр, доска, оқ доска, магнит доскаси);
- “Пинборд” доскаси;
- видео проекторлар, видеопроекторлар экранли;
- кодоскоп;
- компьютер;
- флипчарт;
- аудиомангнитофон, видеомангнитофон;
- теледастурлар [5].

V. Мехнат таълимида ўқитувчи ҳақиқий (реал) амалиётда қўллаш мумкин бўлган ахборот воситаларини лойиҳалаштириши ва улардан фойдаланиши мумкин.

Ўрганилаётган объектлар ҳақида ўқувчиларнинг ҳақиқий тасаввурини вужудга келтириш учун:

- Асбоб ва ускуналар;
- станоклар;
- ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар;
- хом-ашёлар [3].

VI. Мехнат таълимида ўқитувчи модели ахборот воситаларини лойиҳалаштириши ҳамда улардан фойдаланиши мумкин.

Ўрганилаётган объектнинг модел орқали у ҳақиқий тасаввур ҳосил қилиш учун:

- Имитацион моделлар;
- тренажёрлар;
- муляжлар ва ҳ [6].

Бу келтирилган ахборот таълимий воситаларини ҳар бир дарс мавзусининг мазмун ва моҳиятига қараб лойиҳалаштириш, тайёрлаш ва фойдаланишда умумтаълим мактаблари меҳнат таълими ўқитувчиларидан чуқур билим, юқори малака ва кўникмаларни талаб қилгани боис, ўз устида доимий равишда ижодий изланиши, билимларини ортириб боришини ва фан ва техника, ишлаб чиқаришдаги янги ютуқлардан хабардор бўлишини тақозо этади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, меҳнат таълими дарсларини ташкил этишда замонавий ахборот технологиялари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, инновацион педагогик технологияларни жорий этиш натижасида ўқувчиларда меҳнат ва меҳнат фанига бўлган қизиқишлари ортиши, амалий машғулотларда меҳнат объектларини бажариш бўйича аниқ тасаввурларга эга бўлиши, меҳнат операцияларини бажариш бўйича чуқур билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилишида кенг имкониятлар

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси «Қадрлар тайёрлашнинг миллий дастури». Барқамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Шарқ» нашриёти матбаа-концерни. 1997.
3. Муслимов А.Н., Шарипов Ш.С., Сатторов В.Н., Давлатов К. Меҳнат таълими ўқитиш методикаси. -Т.: «JAHON PRINT», 2009.

4. Камолдинов М., Вахобжонов Б. Инновацион педагогик технология асослари. -Т.: «Талкин», 2010.

5. Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Тайлоков Н. Таълимда ахборот технологиялари. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2010.

6. Усманов С.А. Имитацион модел курилмалари воситасида мухандис-педагогларни тайёрлашнинг илмий-методик асослари. Дис. -Т.: 2007.

7. Турсунов Н. Интернет ва интернет технологиялари. –Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2009.

РЕЗЮМЕ

Мақолада таълим жараёнида инновацион педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти, ахборот ва ахборот ресурсларининг сифат даражаси баён қилинган. Унда бугунги кундаги меҳнат таълими муаммолари ва меҳнат таълимида зарур бўлган ахборот таълими воситалари турлари акс эттирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны значения использования инновационных педагогических технологий, уровень качества информации и информационных ресурсов в процессе обучения. Здесь же отражаются, имеющие важное значение на сегодняшний день виды информационных средств обучения и проблемы трудового обучения.

SUMMARY

The article deals with the use of modern pedagogical technologies, the level of the quality of the information and information resources in the teaching process. The authors of the article also describe the kinds of informational means and problem of labor training which is very important nowadays.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ ТЕХНОЛОГИИ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ

С.Т.Байниязова - Ассистент преподаватель кафедры иностранных языков

З.Х.Елмуратова - Ассистент преподаватель кафедры иностранных языков

Таянч сўзлар: маъно, ўқитмок, технология, тур, товуш, программа, компьютер, билим, таҳлил, матн.

Ключевые слова: значение, обучение, тип технологии, звуковой, программа, компьютер, знание, анализ, текст.

Key words: meaning, teaching, type of technology, audio, program, computer, knowledge, analysis, text.

За последние годы в нашей стране возрос интерес к изучению иностранного языка. Современные предприятия нашей страны испытывают потребность в высококвалифицированных специалистах, умеющих не только читать и писать, но и общаться на иностранном языке.

В настоящее время на уроке иностранного языка трудно обойтись без технических средств обучения. К средствам обучения относятся программа, учебники, учебные пособия и разнообразное школьное оборудование, выполняющее дидактические функции [5:68].

Состав системы средств обучения нового поколения, в которую входят средства обучения, отметив при этом назначение составляющих:

- средства обучения, предназначенные для поддержки процесса преподавания учебного предмета, включающие программные средства;

- учебное демонстрационное оборудование, сопрягаемое с компьютером, предназначенное для самостоятельного изучения учебного материала при обеспечении предметности деятельности практической направленности и кроме того позволяющее обучаемому реализовывать спектр возможностей;

- системы искусственного интеллекта предназначенные для организации процесса самообучения;

- предметно-ориентированные среды обучающего и развивающего назначения, в том числе одна из возможных реализаций – информационно-предметная среда со встроенными элементами технологии обучения.

Современность предъявляет всё более высокие требования к обучению практическому владению иностранным языком в повседневном общении и профессиональной сфере. Объём